Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 24 NOYABR ◆ SHANBA ◆ № 139 (26.841)

## Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ ОЛИМ ВА МУТАХАССИСЛАРИ, БАРЧА ЖАМОА АЪЗОЛАРИГА

*Қадрли дўстлар!*

*Сизларни академик Р.Р.Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилганининг 100 йиллиги муносабати билан чин қалбимдан самимий табриклайман.*

*Нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида қишлоқ хўжалик фанининг нуфузли марказларидан бири бўлган ушбу илмий даргоҳ олимлари бир асрлик давр мобайнида қўлга киритган ютуқлар юртимиз сарҳадларидан олисларда ҳам маълум ва машҳур.*

*Институт тарихи, унинг бутун фаолияти юртимизда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга қаратилган амалий вазифаларни рўёбга чиқариш билан ҳамиша чамбарчас боғлиқ бўлиб келгани айниқса аҳамиятлидир.*

*Ўтган давр ичида институтнинг турли вилоятларда жойлашган муассасалари ва филиаллари томонидан 150 дан зиёд мева ва узум навлари етиштирилгани, мамлакатимизнинг тупроқ ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда уларни парвариш қилишнинг замонавий технологиялари ишлаб чиқилгани бу ерда амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларининг самараси ва кўламидан далолат беради.*

*Институтнинг кўпмиллатли илмий ва меҳнат жамоаси эришган улкан натижаларда қишлоқ хўжалиги соҳасининг алломалари Р.Р.Шредер ва шу илм даргоҳига ярим асрдан ортиқ давр мобайнида раҳбарлик қилган, халқимиз ҳурматига сазовор бўлган М.М.Мирзаевнинг хизматлари катта эканини жамоатчилигимиз яхши билади.*

*Ҳозирги даврда институт илмий жамоаси олдида ўтган йиллар давомида тўпланган бой тажрибалардан фойдаланган ҳолда, маҳаллий навлар асосида серҳосил, жаҳон бозорида рақобат қила оладиган мевалар ва узум навларини яратишдек ўта муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди.*

*Ишончим комилки, сизлар ҳалол меҳнатингиз, илмий кашфиётларингиз билан мустақил Ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришга, ўлкамиз боғ-роғларининг шуҳратини бундан буён ҳам дунёга тараннум этишга муносиб ҳисса қўшасиз.*

*Фурсатдан фойдаланиб, институт, унинг филиаллари ҳамда тажриба хўжаликларининг барча меҳнат аҳлини бу қутлуғ сана билан яна бир бор муборакбод этаман.*

*Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бунёдкорлик ишларингизда улкан зафарлар, оилангизга файзу барака тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизда боғдорчилик ва узумчилик соҳаларини фан ва техника ютуқларига таянган ҳолда ривожлантириш, янги навларни яратиш ва кўпайтириш борасидаги кўп йиллик илмий изланишлари ҳамда эришган амалий ютуқлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Фахрий унвон берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМИ»**

**Джавакянц Юрий Мисакович** — Р.Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

**Республикамизда боғдорчилик ва узумчиликни илмий асосда юксалтириш, мевали дарахтлар ва узумларнинг серҳосил, чидамли, иқлимбоп янги навларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш, замонавий технологияга асосланган боғ-роғлар барпо этиш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнатлари, қўлга киритган муваффақиятлари, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси, жамоат ишларидаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Каримов Раҳмат Ҳакимович** — «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси Марказий илмий-тажриба хўжалигининг гулчилик бригадаси бошлиғи

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Жукова Анна Петровна** — «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясининг собиқ илмий ходими, меҳнат фахрийси.

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Ҳайдарқулов Ғулом Исоқович** — «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси Самарқанд филиалининг катта илмий ходими

**Ҳамроқулов Адхамжон** — «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси Андижон вилоятидаги У.Мансуров номли «Избоскан» тажриба хўжалигининг директори

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ» БИЛАН**

**Усмонов Ҳамид Маҳмудович** — «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси Наманган тажриба хўжалигининг директори

**Сайдалиев Алишер Убайдуллаевич** — «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси Фарғона тажриба хўжалигининг директори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2001 йил 21 ноябрь




## ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

*Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида турли миллат ва элат вакиллари яшаб, меҳнат қилишади. Улар орасида қозоқлар ҳам оз эмас. Шуни ҳисобга олган ҳолда яқинда туман марказида қозоқ миллий театри ташкил этилди. Айни пайтда театр жамоаси қозоқ адабиёти намояндаларининг асарларини саҳналаштираяпти. Республика ва вилоят қозоқ миллий марказлари томонидан театр жамоасига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатилмоқда.*

*— Туманимизда миллий театрнинг очилиши вилоятдаги қозоқ миллатига мансуб фуқароларга маъқул ва манзур бўлди, — дейди туман ҳокими муовини Анвар Мирзаев. — Буни театр ижодкорлари саҳналаштирган спектаклларни қўшни туманлар ва ҳатто қўшни вилоятлардан томошабинлар келиб кўришаётганидан ҳам билса бўлади.*

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ҲАЁТ ДЕМАК

Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва «Экосан» халқаро жамғармаси ҳамкорликда «Оналар ва болалар йили» тадбирлари доирасида «Ёш оналар» республика кўрик-танловини эълон қилган эди. Пойтахтдаги Ўзбек миллий академик драма театрида ана шу танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, ёш оналарнинг оиладаги ўрнини кўтариш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг санитария-гигиена асосларига амал қилиш ва ҳар томонлама соғлом фарзандларни камол топтириш борасидаги малакаларини яхшилаш мақсадида ташкил қилинган мазкур кўрик-танлов кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Танловнинг республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ғолибликни қўлга киритган ёш оналар иштирок этдилар.

Тадбирда қатнашчилар соғлом оилавий муҳит яратишда онанинг ўрни, фарзанд тарбияси, унинг онгида экологик дунёқарашни шакллантириш, оила бюджетини тақсимлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби масалалар бўйича билимларини саҳна кўринишлари, бадиий чиқишлар орқали намойиш этдилар.

Танлов сўнггида ғолибларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

■ **Шуҳрат ОРИФ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЛУҚМА

## ЛОҚАЙДЛИКМИ БУ, Ё?..

Жонажон пойтахтимиз гўзал, чиройли шаҳар. Муҳташам бинолар, хиёбонлар, кўчалар шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Метробекатларнинг ҳам кўриниши ажойиб. Аммо, баъзи жойларда ҳануз таъбни хира қиладиган манзаралар йўқ эмас. Биргина мисол, метронинг «Ўзбекистон» йўли, «Ўзбекистон» бекатида вагондан тушишингиз биланоқ, ичкарида бекат пештоқида турган собиқ ЎзССР герби кўзингизга ташланади. Ўн йилдан буён Ўзбекистон деганда Ҳумо қуши тасвири туширилган туғро хаёлидан ўтадиган киши бу манзарани кўрса ғалати бўлади, албатта.

Шунча вақтдан буён қўли гул метрополитен меъморлари бемисл ўзгаришлар қилди.

Бироқ, «Ўзбекистон» метробекатида кўзгудаги доғдай бўлиб турган шўро замонига таaллуқли гербни олиб ташлаш қийин эмасдир, деб ўйлаймиз.

■ **Нурали ШОДИЕВ,**
**ЎзМУ журналистика факультети, 1-курс талабаси.**

## ИТАЛЯНЧАНИ ЎРГАНИШМОҚДА

Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан Бухоро давлат университетида очилган марказда мазкур давлат тилини ўрганиш имконияти яратилди. Бундан энг аввало иқтисодиёт факультети талабалари фойдаланишмоқда. Факультетнинг 3 та гуруҳида таҳсил олаётганларга италиялик мутахассислар тил ўргатишяпти. Бўлажак иқтисодчилар истиқболда Италия фирма ва компанияларида бемалол фаолият кўрсата оладилар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози»-мухбири**

КЎРГАЗМА

## БОЛАЖОНЛАР НИГОҲИ

Токиодаги «JCII» фотосалонида «Ўзбекистон: она — ўз фарзандларининг нигоҳи билан» мавзуига бағишланган фотокўргазма бўлиб ўтди. Таниқли суратчилар Г.Курамочи ва Х.Нагатаке ўз фотосуратлари кўргазмасини Япония Фотоиндустрия институти ҳамда Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонаси кўмагида ташкил этдилар. Ушбу тадбирни суратлар муаллифларининг ўтган йили май ойида мамлакатимизда бўлиб, кўрган-кечирганларининг мантиқий давоми, деб ҳам баҳолаш мумкин.

Япон фотографлари таклиф этган ғояга биноан, ўзбек болажонларининг ўзлари сураткашлик қилишлари, яъни улар ўз волидаи муҳтарамаларини уй ишларини бажаришаётган чоғларида, дам олиш вақтида, ўзаро суҳбатлашиб ўтирган пайтларида суратга олишлари лозим эди.

Сўнгра ана шундай юмушлар асосида муаллифлар энг сара фотосуратларни танлаб олиб, кўргазмага қўйдилар.

■ **М.ЗОҲИДОВ,**
**«Жаҳон» АА.**
**Токио**



«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121

BU DUNYONING ISHLARI

## ЖЕК СТРО САФАРДА



*Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро Покистонда бўлди. У Покистон ташқи ишлар вазири билан Афғонистондаги бўлажак ҳукумат борасида музокаралар ўтказган. Жек Стро Покистондаги ташрифига қадар Эронда ҳам ушбу масала юзасидан учрашувлар ўтказганди. Шунингдек, Эронда Жек Стро ва Шимолий Иттифоқ ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулло ўртасида ҳам музокара бўлиб ўтган.*

*Британия ташқи ишлар вазирининг ушбу ташрифидан мақсад, Афғонистонга қўшни бўлган мамлакатларни бу ерда муваққат ҳукумат барпо этиш масаласидаги фикрлари билан ўртоқлашишдир. Афғонистонда янги муваққат ҳукуматни ташкил этиш борасида йиғин эса душанба куни Германияда бўлиб ўтиши мўлжалланмоқда.*

## «ЯНГИ ОЗАРБОЙЖОН» ТАШАББУСИ



Озарбойжон президенти Гайдар Алиев ўзи бошқараётган «Янги Озарбойжон» партияси томонидан 2003 йилда ўтадиган сайловда мамлакат президентлигига номзодини қўйиш таклифини олди. Ушбу ташаббус Алиев томонидан рад этилган йўқ. Бундан бирмунча олдин Алиевнинг ўзи ҳам президентлик лавозими учун курашиш нияти борлигини айтиб ўтганди.

«Янги Озарбойжон» жамоаси партия раислигига яна Гайдар Алиевни сайлаган. Партиядаги Алиевнинг биринчи ўринбосари сифатида унинг ўғли Илҳом Алиевнинг номзоди тасдиқланган. Айни пайтда Илҳом Алиев давлат нефть компаниясида биринчи ўринбосар.

## 2002 ЙИЛНИНГ ЁЗИДА

***2002 йилнинг ёзида Канаданинг Калгари шаҳрида «Катта саккизлик» саммити ўтказилади. Мазкур анжуманда хавфсизликни таъминлаш учун қарийб 40 миллион Канада доллари миқдорида маблағ зарур бўлади. Калгари шаҳри ҳокими Дэйв Бронконниер шуни маълум қилди.***

## ИСТЕҲКОМ ИШҒОЛ ЭТИЛДИ

Филиппинда ҳукумат қўшинлари исёнчи гуруҳларнинг олтита истеҳкомини ишғол қилди. Хабарларга кўра, сўнгги тўрт кун ичида Моро миллий озодлик фронтининг бир юз элликка яқин жангариси ўлдирилган. Шунингдек, ҳукумат армиясидан тўрт аскар, тинч аҳолидан эса етти киши ҳалок бўлган.

## ГРУЗИЯ ГЕЛАЕВНИ БЕРИШИ МУМКИН...

***Грузия Республикаси прокуратураси Россияга мамлакатда яшириниб юргани тахмин қилинаётган чечен жангарилари қўмондони Руслан Гелаевни топшириши мумкинлиги ҳақида маълум қилган. Фақат расмий қонун- қоидаларга амал қилинган ҳолатдагина, дейилади ушбу баёнотда. Шунга қарамасдан грузияликлар Гелаевнинг қаерда эканлиги ҳақидаги аниқ маълумотга эга эмасликларини ҳам билдириб ўтишган. Гелаев топилган тақдирда ҳам Россия томони унга нисбатан жиноий қидирув иши очиш ҳақидаги далилларни кўрсатиши лозим бўлади.***

ХРОНИКА

## ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ ВА ЯШИРИНДИ



*Қундузда қамалда ушлаб турилган толиблар билан бўлаётган жанглар хусусида турли, маълумотлар мавжуд. Баъзи манбаларда толиблар шаҳарни жангсиз ташлаб кетишга рози эканликлари ҳақида ёзилса, баъзи манбаларда Қундуз яқинида бораётган ашаддий жанглар ҳақида хабар берилади.*

*«Газета Ru» агентлиги бераётган хабарга кўра, Қундузни забт этиш учун Шимолий Иттифоқ қўшинлари жангни бошлаб юборишган. Ва ҳозирда шаҳардан 25 км. нарида бўлган муҳим стратегик нуқта Хонобод забт этилган. Шунингдек, кучларнинг бир нечта ҳужумлари толиблар томонидан қайтарилгани ҳам ёзилади. Маълумотга кўра, ушбу жанглар АҚШ ҳаво зарбалари кўмагида амалга ошмоқда. Қаршилик кўрсатаётганлар асосан толиблар сафидаги ёлланма жангчилардир. Шимолий иттифоқ генерали Муҳаммад Дауднинг сўзларига кўра, кўплаб афғон толиблари қуролларини ташлашга тайёр туришибди, фақат ёлланма жангчиларгина бунга қаршилик кўрсатишмоқда.*

*Қондаҳорда эса толиблар ўртасида бўлиб ўтган кенгаш натижасида толиблар етакчиси мулла Умар истеъфога чиққан. Ҳозирда эса унинг ўрнига ўз яқинларидан бўлган Саид Ҳаққоний ворислик қилмоқда. Маълумотларга кўра, мулла Умарнинг ўзи, яширинган. Бу ҳақда Умарнинг яқин ёрдамчиси Ахтар Усмоний маълумот берган. Усмонийнинг сўзларига кўра, ушбу истеъфо хавфсизлик чоралари сифатида амалга оширилган. Толибларнинг аввалги кенгашида Мулла Умарнинг ҳалок бўлиш ёки бошқа бир сабабдан раҳбарлик лаёқатини йўқотган тақдирда унинг ўрнини Саид Ҳаққоний эгаллаши ҳақида келишиб олинган. Ушбу истеъфо айнан яқин ўртада Қондаҳорнинг забт этилиши билан боғлиқлигига ҳеч ким шубҳа қилмаяпти.*

Internet хабарлари асосида тайёрланди

**Ургут юртимизнинг қадимий савдо ва ҳунармандчилик марказларидан бири. Бугун туманда 300 минг кишидан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Туман асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, яъни тамаки, ғалла, мева ва сабзавотлар етиштиришга ихтисослашган. Ургут Тожикистон Республикасининг Панжикент тумани билан чегарадош. Айниқса, халқаро терроризм билан оммавий кураш кетаётган бугунги кунларда бу жиҳат туман аҳолисидан ҳушёрлик, ҳамжиҳатлик талаб этади. Ургут туманлараро прокурори, адлия маслаҳатчиси Ёқубжон Турдиев билан суҳбатимиз хусусан шу ва тумандаги ҳуқуқ-тартибот органларининг фаолияти ҳақида бўлди.**

# ҚОНУН ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



— Ёқубжон ака, халқаро терроризмнинг дунё жамоатчилигига солаётган таҳдиди бугун барча ҳуқуқ-тартибот органлари эътиборини тортган. Шу муносабат билан туманда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўзбекистон терроризмнинг таҳдидли қиёфасини аввал ҳам дунё ҳамжамияти эътиборига етказган, огоҳлантирган эди. Шу сабабли халқаро терроризм билан курашда Ўзбекистоннинг тараққийпарвар мамлакатлар сафида бўлиши, шунингдек, бу таҳдиддан қутулиш жараёнида ўз ўрнига эгалиги табиий.

Шу муносабат билан эълон қилинган Ўзбекистон Президентининг Баёноти халқимиз томонидан якдиллик билан қабул қилинди. Ушбу Баёнотда Президентимиз халқаро терроризмга қарши курашиш фақатгина махсус идораларнинг иши эмаслиги, балки бу кураш барчамиздан бирдамлик, ҳамжиҳатлик талаб этишини таъкидлаб ўтганди. Дарҳақиқат, шундай. Бугун халқаро терроризмга қарши кураш ниҳоясига етаётгандек кўринади, мен Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларни назарда тутаяпман, бироқ бу огоҳликни, тарғибот-ташвиқотни бўшаштириш дегани эмас.

Туманимизда 11 сентябрдаги ўша машъум воқеалардан сўнг, Ўзбекистон Президентининг Баёнотига асосланган ҳолда дарҳол ҳокимлик билан ҳамкорликда ушбу воқеаларга муносабатимиз акс этган ва аҳолини огоҳликка даъват этувчи, терроризмнинг таҳдидини, асл башарасини ошкор этувчи аниқ режали дастурлар ишлаб чиқдик, амалиётда қўллаб келмоқдамиз. Албатта, ушбу режали дастурда туманимизнинг чегара ҳудудида жойлашганлиги ҳам ўз ифодасини топган. Ушбу ўтказилган тадбирлар натижасида шуни ишонч билан айтишим мумкинки, ургутликлар халқаро терроризмнинг ёвуз қиёфасини яхши англашади ва бу хусусда якдил, бирдам фикрга эгалар. Ва бу якдилликка биз ҳар сафар мазкур дастур доирасидаги учрашувларда амин бўламиз.

— Маълумки, Ўзбекистон Президенти томонидан прокуратура қонунларини либераллаштириш ташаббуси кўтарилган эди...

— Президентимизнинг ушбу ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллашуви муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва унинг амалга киритилиши шубҳасиз прокуратурада демократик тамойиллар яна бир поғонага кўтарилганлигининг исботи бўлди.

Шунингдек, ушбу ташаббус ва қонун амалиёти Ўзбекистонни, жумладан, республика прокуратурасини жаҳоннинг бошқа тараққийпарвар демократик давлатларидаги мавжуд қонуний андозаларга мослаштирди. Соддароқ айтганда прокуратурада одиллик, инсонийлик, демократик тамойиллар кучайтирилди. Ишонаманки, бу ўз навбатида фуқароларнинг қонунларни билиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўрганиш истакларини кучайтириш учун хизмат қилади.

Яхшиси, мазкур янги қонундан бир-иккита мисол келтирсак, шунда жиноий жазоларни либераллаштириш нималиги дарҳол аён бўлади. Масалан, янги қонунга кўра, аввал жиноят деб ҳисобланган қатор моддалар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб аталди. Шунингдек, 26 та моддада кўрсатилган жиноятлар айбланувчининг иқрорига кўра қамоқ жазосидан озод этилишига қарор қилинди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган иқтисодий жиноятларга нисбатан жарима қўлланиши белгиланди. Таъкидлаганимиздек, бу ўзгартишларда асосий урғу одилликка, инсонпарварликка, шахс ҳуқуқига берилаяпти. Янги қонундаги вояга етмаганлар ва аёлларга, 60 дан ошган эркакларга нисбатан жазо тайинлашда енгиллаштириш имкониятларини белгилаш чораси ҳам ўз анъаналаримизга суянган ҳолда чиқарилган эзгу ташаббус деб биламан.

— Маълумки, Ургут тумани чегара ҳудудида жойлашган. Бу прокуратура фаолиятига ўзига хос мураккабликлар олиб келади. Ушбу жиҳат муносабати билан қандай қўшимча тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Албатта, туманимизнинг Тожикистон Республикаси билан чегара ҳудудда жойлашиши биздан сергаклик, мунтазам изчил фаолият талаб қилади. Ургут туманининг «Ҳамза», «Оққўрғон», «Мўминобод» «Ғиждувон», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари Тожикистоннинг Панжикент тумани билан чегарадош. Шунингдек, бу хўжаликларда истиқомат қилувчи аҳоли азалдан қўшни туман аҳолиси билан борди-келди қилади, қавм-қариндошчилик алоқалари мавжуд. Бу жиҳатларнинг барчаси ходимларимиз томонидан эътиборга олинган. Албатта, инсон ҳақ-ҳуқуқлари бирламчи эканлиги, бу ҳуқуқлар ҳимояси учун қонун доирасида имкониятлар яратилиши шубҳасиздир. Лекин чегара барибир чегара-да. Бу нарса биздан ўта изчиллик, профессионалликни талаб этади.

Бу борада биз кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш ташаббусини йўлга қўйганмиз. Туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, маҳалла кенгашлари, фаоллар, посбонлар ҳамкорлигидаги гуруҳ тузилган. Ушбу гуруҳнинг асосий фаолияти ҳар қандай жиноий кўринишлар ҳақида ўз вақтида, зудлик билан ҳуқуқ-тартибот ходимларини огоҳ этиш, тарғибот ишларини мунтазам юритишдир. Шунингдек, гиёҳвандлик, турли диний экстремистик гуруҳлар, оқимларнинг фожиали ниҳояси ҳақида аҳоли ўртасида мунтазам тушунтириш ишлари ўтказилмоқда.

— Ургут туманида содир этилаётган жиноятларнинг аксарияти гиёҳвандлик билан боғлиқ. Бунинг сабабларини нималарда кўрасиз?

— Дарҳақиқат, тумандаги жиноятларнинг аксарияти гиёҳвандлик билан боғлиқ. Бу энг оғриқли, долзарб муаммоларимиздан биридир. Гиёҳванд моддалари Тожикистондан турли йўллар билан кириб келмоқда. Асосий эътибор бу жиноий ҳаракатларни бартараф этишга қаратилган. Ошкор этилаётган жиноятлар кўп. Прокуратура, ички ишлар ходимлари изчил изланишда. Деярли ҳар куни бирор жиноят ошкор этилгани ҳақида ахборот келади. Мана, ҳозир қўлимда — «Оққўрғон» жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Ахметова Муҳаббатнинг сумкасидан 150 грамм опий гиёҳвандлик моддаси топилгани ҳақидаги тезкор хабар. Ҳозирда жиноят иши қўзғатилиб, эҳтиёт чораси қўлланиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда. Яқин ўтган ой ичидаги фош этилган жиноятларга назар ташлайлик: «Мўминобод» жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Бердиев Абдуҳаким Муродовичнинг 0,6 грамм героин сотганлиги, Ургут шаҳрида яшовчи Зокир Қодировнинг героин савдоси билан шуғулланганлиги, фуқаро Бобомуродов Фармонқул ҳам гиёҳванд моддаси сотганлиги, шунингдек, тинтув пайтида ноқонуний тарзда ўқотар қурол сақлаётгани, Лутфуллаев Маҳаммат 400 грамм героин сотаётган пайтда қўлга олинганлиги аниқланган. Булар шу яқин ойда очилган жиноятларнинг айримлари, холос. Мақсад очилган жиноятларнинг сони билан таништириш эмас, балки содир этиладиган жиноятларга барҳам беришдир. Яъни жиноий муҳитнинг ўзини йўқ қилиш борасида чоралар кўришдир. Бу албатта, яна фуқаролар, маҳаллалар билан тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришни талаб этади ва ўйлайманки, ўтказилаётган бу тадбирлар натижаларини кўрсатади.

Гап гиёҳвандлик ҳақида экан, яна бир ташвишли ҳолатни айтмоқчиман. Маълумки, бу йил «Оналар ва болалар» йили. Шунга қарамасдан гиёҳвандлик билан шуғулланувчи жиноятчилар қаторида аёлларнинг учраётгани ачинарлидир. Бундай аёлларнинг кўплари етишмовчиликни рўкач қилиб кўрсатишади, бироқ бу жиноят содир этишга асос бўлолмайди. Ўтиш давридаги бироз қийинчиликларни рўкач қилиш, албатта, жиноятни оқлай олмайди. Шу фурсатда тумандаги жамоа хўжаликлари, мутасадди ташкилот раҳбарларидан аёлларни фақат мавсумий ишларга эмас, доимий иш ўринларига ҳам кўпроқ жалб этишларини сўраган бўлардим.

— Жиноий кўрсаткичларнинг статистик таҳлили ижобий натижалар бўлиши ҳақида умид уйғотадими ва умуман, сиз бошқараётган жамоа бу борада қандай фаолият юритаяпти?

— Агар содир этилган жиноятларнинг статистикасига назар ташласак, жиноий ишлар ўтган йилга нисбатан кўпроқ очилганлигига гувоҳ бўламиз. Албатта, бу жиноятчилик ўсиб келаяпти дегани эмас; балки ҳуқуқ-тартибот ходимларининг изланишлари натижаси дейиш мумкин. Дунё тажрибасидан маълумки, жиноятчиликни бирданига илдизи билан қирқиб ташлаш ўта оғир вазифа. Жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий усуллари эса ходимларнинг синчков, сергак ҳаракатлари билан бирга аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини юргизишдир. Биз бу имкониятларнинг барчасини ишга солганмиз, умид қиламанки, натижалар ижобийлигини кўрсатмоқда.

Жамоамиз тажрибаси, билимини ошириш мақсадида ҳафтанинг шанба кунини «Билимлар куни» сифатида эълон қилганмиз. Жамоа таркиби асосан ёшлардан иборат. Бу куни уларда тажрибали мутахассислардан соҳа тажрибаси, назариясини ўрганишлари учун қўшимча имконият бўлади. Бу борада тажрибали мутахассисимиз А. Жамолов ибрат кўрсатмоқда, бевосита иш давомида ёшларга соҳанинг мураккаб ва профессионал томонларидан сабоқ бериб боради. Хуллас, бутун кучимиз бизга юкланган масъулиятни уддалашга, туманда жиноятчиликнинг олдини олишга, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни бугунги кун талаблари асосида бажаришга қаратилган.

■ **Суҳбатдош: Абдумалик БОБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# ИБРОҲИМ РАҲИМ



Ўзбекистон адабиёти ва маданияти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, фаол жамоат арбоби Иброҳим Раҳим шу йил 22 ноябрда саксон беш ёшида вафот этди.

Иброҳим Раҳим 1916 йилда Фарғона вилоятининг Қува туманидаги Сойкелди қишлоғида туғилди. У меҳнат фаолиятини 1934 йилда республика газеталарида оддий мухбирликдан бошлади. Иккинчи жаҳон уруши фронтларида мардлик ва матонат кўрсатган адиб Ўзбекистонга қайтгач, республика радиосида ўз фаолиятини давом эттирди.

Иброҳим Раҳим узоқ йиллар мобайнида «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида, «Гулистон» ва «Муштум» журналларида бош муҳаррир, «Ўзбекфильм» киностудиясида директор лавозимларида ишлади. У қаерда меҳнат қилмасин, ўзининг истеъдоди, ташкилотчилик қобилияти, инсоний фазилатлари билан ҳурмат-эътибор топди. Адибнинг заҳматкаш одамлар ҳаётини, уларнинг ўй ва ташвишларини акс эттирувчи мақола, очерк ва лавҳалари ўзбек публицистикаси ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Иброҳим Раҳим олтмиш йиллик ижодий фаолияти давомида яратган насрий асарлари билан ўз мухлислари эътиборини қозонди. Ёзувчининг «Ҳаёт булоқлари», «Чин муҳаббат», «Ихлос», «Тақдир», «Фидойилар», «Оқибат», «Генерал Равшанов» каби романлари, ўнлаб қисса ва ҳикоялари, драматик асарлари китобхонларга яхши маълум.

Серқирра ижодкор Иброҳим Раҳим айниқса истиқлол йилларида ўзининг фаол граждандлик позициясини, ташаббускорлик ва жонкуярлик фазилатларини намоён этиб, юртимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни акс эттирадиган бир қанча бадиий ва публицистик асарлар яратди.

Отахон адибнинг халқимиз ва адабиётимиз олдидаги хизматлари муносиб баҳоланди. У «Ўзбекистон халқ ёзувчиси», «Ўзбекистон санъат арбоби» фахрий унвонлари, республика давлат мукофоти, «Дўстлик» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари билан тақдирланган эди.

Ажойиб инсон, атоқли адиб ва журналист, ижодкор ёшларнинг меҳрибон устози Иброҳим Раҳимнинг ёрқин сиймоси халқимиз хотирасида ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ў.СУЛТОНОВ, Х.СУЛТОНОВ, Ҳ.КАРОМАТОВ, Р.ШОАБДУРАҲМОНОВ, САИД АҲМАД, ҲАМИД ҒУЛОМ, А.ОРИПОВ, Э.ВОҲИДОВ, Х.ЖЎРАЕВ, Р.ШОҒУЛОМОВ, МУРОД МУҲАММАД ДЎСТ.**

# ДАСТУРНИНГ АМАЛИЙ ФОЙДАСИ

Европа Иттифоқининг МДҲ мамлакатларига техникавий ёрдам кўрсатиш дастури — ТАСИС Ўзбекистонда яна бир лойиҳани муваффақиятли амалга оширди. Бельгиянинг «Агрэр» ва Англиянинг «Лэндл милз» фирмаларидан иборат консорциум билан ҳамкорликда бажарилган «Хўжаликда ерни суғориш ва бошқариш» лойиҳаси тўла ўзини оқлаган ҳолда хўжаликни бошқаришда, хусусан сувдан фойдаланишда муассасавий, маъмурий ва техникавий чораларни оқилона бирлаштириш фойдали эканлигини яққол намоён этди. Мазкур лойиҳа якунларига бағишлаб Тошкентда бўлиб ўтган конференция қатнашчиларининг фикри ана шундай.

Лойиҳага кўра, Сирдарё вилояти Оқолтин тумани С.Сиддиқов номидаги ширкатнинг 540 гектар майдонида 13 та фермерлик хўжалиги тузилди. Фермерлар иштирокида кенг кўламдаги ўқув дастури амалга оширилди. Ўқув жараёнида суғоришни бошқариш, суғориш вақтини тузиш, қишлоқ хўжалик зараркунандалари билан курашиш, тупроқ шўрланишини назорат этиш ва бошқариш, алмашлаб экиш, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг асосий тамойиллари, фермерлар учун молиявий бошқарув ва ҳисоб-китоб юритиш мавзулари билан яқиндан танишдилар. Айни кезда, ҳосилдорликка бевосита таъсир этувчи суғориш ва дренаж тизимлари тикланди. Фермерлар «Сув-Агро» сувдан фойдаланувчилар уюшмасини тузишди. Натижада лойиҳа раҳбари Стив Райт конференцияда таъкидлаганидек, мустақил ва ишнинг кўзини билиб фаолият юритадиган фермерлар жамоаси вужудга келди. Бу модель мамлакатимизда кенг қўлланиши мумкин.

Шуни айтиш керакки, «Сув-Агро» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси фермерлари 2001 йил мавсумида пахта ва ғалладан ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўп ҳосил олишга эришдилар. Дарвоқе, бу ширкатнинг ўзида жорий йилда олинган ҳосилдан ҳам икки марта кўпдир. Бу «Сув-Агро»ни тузиш, ер ҳосилдорлигини яхшилаш ва бошқарув усулларини қўллаш туфайли намоён бўлган ижтимоий, илмий ва агрономик ёндашувлардаги ўзгаришлар натижасидир.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

# «САРБОНТЕКС» МАҲСУЛОТЛАРИ





*Гулистон шаҳрида жойлашган «Сарбонтекс» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш савдо тижорат жамияти 1995 йилда «Ўзфармсаноат» Давлат акциядорлик концерни тизимида ташкил қилинган. Жамият асосан юқори сифатли бинтлар ва жарроҳлик дока салфеткаларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.*

✧✧✧

**Суратларда:** *1. Цех кўриниши. 2. Ҳиссадорлик жамияти тўқувчиси Фотима Яхшиликова.*

■ **Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

**ОҒРИҚ**

# «МЕН ЭНДИ КАТТАМАН...»

У оддий бир оиланинг фарзанди. Отаси ўқитувчи, онаси боғчада энага. Ота-она турмушнинг барча иссиқ-совуқларига чидашди, тинч-тотув рўзғор қилишди. Фарзандлари катта бўлишса, отасининг қўлини олади, бири онасининг оғирини енгил қилади. Орзу-ҳаваслар дегандек... Қариганда сенга ором бергувчи, набиралар билан чол-кампир кўнглини ҳузурлантирувчи ким — фарзандлар-да.

Ўғил ўқиди, эл қатори ишга жойлашди, дўстлар орттирди. Уйланиш вақти етди, ота-онаси: «Кел, ўзимизга мос, ўқимишли оиланинг фарзандини келин қилайлик», дейишди. «Мен энди каттаман, буёғи менинг ҳаётим, сизлар мени вояга етказдинглар, раҳмат, лекин буёғига ишингиз бўлмасин. Менинг сизлар билан яшаш ниятим йўқ. Сизлар кўрадиганингизни кўрдингиз, энди менинг даврим келди. Тинч қўйинглар мени!»

Ҳайратдан ёқа ушлаган чол-кампир ўғил ётоғидан минг бир ўйга ғарқ ҳолда чиқишди. Ўғил оиласида 3 қиз туғилди, қувнаб ўсишди, умри узоқ бўлгурлар жуда ширин эди-да, ота-она ширинтойларни эркалаб тўйишмасди. Ҳеч кимдан кам бўлмай ўсишди. Лекин... Тўнғич қизини отаси оқ қилди — номусдан, эл орасида обрўйини йўқотганидан. Отанинг юраги дош бермади, бевақт оламдан ўтди. Ноилож қолган она қизини қайта бағрига олди. Онасининг ҳалол топган пулларига қаноат қилмаган қиз, оила ташвишларини ўз бўйнига олди. Ишратдан келган пулга уйларини замонавий таъмирлади, сингилларига, онасига янги русумдаги кийимлар олиб берди. Қисматни қарангки, она фарзандига қаттиқ гапиролмасди, у бераётган пуллардан ҳам ҳазар қилмасди, она шўрлик. Фақат унинг нигоҳидаги қайғу, афсус ҳеч қачон, ҳатто у кулаётганда ҳам кетмасди.

...Биринчи синфга энди қадам қўйган қизалоқларнинг суҳбатларига беихтиёр қулоқ тутаман. «Зумрад, анови, кеча чекаётган қизлар ҳақида ойингга айтдингми?» Мен беихтиёр улардан ўша қизлар ҳақида сўрайман. Улар аввал гапиргилари келмай, кейин бири олиб бири айтиб беришди. Мактаб ўқувчиларининг, яна қиз болаларнинг чекаётганини наҳот ўқитувчи опалари кўрмаётган бўлишса? Ёшларнинг гиёҳвандликка ружу қўйишининг илк сабаби ҳам мана шу бефарқлик деб ўйлайман.

Қулоқларига кичкина эшитгичларни тақиб олган, чет эл мусиқаларидан қолишмайдиган қўшиқларни тинглаганча, автобуснинг орқа ўриндиқларини тўлдириб ўтирган, бирон қария чиқиб қолса, кўзларига лўқ қараб тураверадиган йигит-қизларни кўриб юрагимда алланечук оғриқ пайдо бўлади...

■ **ШАҲРИБОНУ**

# «МУЛОҚОТ» КУНЛАРИ

**«Мулоқот» кунлари» олтин водийдан бошланди. Биринчи учрашув Наманган шаҳар «Текстил» акциядорлик жамияти ишчи ва хизматчилари билан бўлиб ўтди. Йиғилганларга «Мулоқот» кунлари» иштирокчилари журнал бош муҳаррирининг ўринбосари Рашид Раупов, масъул котиб Давлатмурод Саъдуллаев ва бўлим мудири Неъмат Ёқубовлар ойноманинг ташкил бўлиши ва босиб ўтилган қутлуғ ўн йил ҳақида ҳикоя қилиб беришди. Учрашувда Ватан, она ва муҳаббат мавзуидаги шеърлар янградди. Савол ва жавоблар қизғин тус олди. Журнал ҳақида мухлислар дил сўзларини баён қилдилар. Хуллас, Наманган аҳли билан чин дилдан, юзма-юз ошкора мулоқот бўлиб ўтди. Жумладан, вилоят соғлиқни сақлаш бўлимида, Наманган шаҳар тиббиёт коллежида, Уйчи атлас тўқиш ҳиссадорлик жамиятида, шу тумандаги қишлоқ хўжалиги коллежида ва Чортоқдаги «Мингбулоқнефть» ҳиссадорлик жамиятида қизиқарли учрашувлар бўлди. Бўлиб ўтган барча учрашувларда «Мулоқот»чиларга Ўзбекистон ХДП вилоят Кенгаши биринчи котиби Муҳаббатхон Абдуллаева ва шоир Жўра Раҳимлар ҳамроҳлик қилдилар.**

**Гуллар шаҳри Наманган даги учрашувлар тугагандан сўнг журналистлар Андижонга қараб йўл олдилар. Бу вилоятдаги илк учрашув Пахтаобод тумани фаоллари билан бўлиб ўтди. Шаҳрихонда туман жамоаларининг раҳбарлари билан Андижон халқ таълими бошқармасида, шунингдек, Бобур номидаги Андижон давлат университетида, Жалақудуқ туманида учрашувлар бўлди. Пойтахтлик меҳмонларга Ўзбекистон ХДП вилоят Кенгаши иккинчи котиби Абдулҳамид Носиров, Андижон шаҳар Кенгаши биринчи котиби Шаҳобиддин Ҳайдаров, Андижон давлат университети профессори Рустамбек Шамсутдинов ва Зокиржон Қутибоевлар ҳамроҳлик қилдилар.**

**Гўзал Фарғонада бўлган учрашувлар Фарғона ёғ-мой комбинатидан бошланди. Кейинчалик Марғилон тиббиёт коллежида бўлди. Айниқса, «Рапқон» жамоа хўжалигининг Аъзамжон Эҳсонов бошлиқ 23-бригадаси режани бажарганлиги муносабатига бағишланган тантанали учрашув мароқли ўтди. Учрашувларда кўчма таҳририятга Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Анвар Эгамбердиев, иккинчи котиб Зиёдахон Абдуллаева ва Фарғона давлат политехника институти домласи, фалсафа фанлари доктори Абдувосит Йўлдошевлар ҳамроҳлик қилдилар.**

**Мухлислар Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти соҳиби Барот Бойқобиловнинг шеърларини ҳам ёддан ўқиб беришди. Хуллас, юртдошларимиз билан бўлиб ўтган юзма-юз мулоқотлар дилларда ёқимли бир кайфият қолдирди.**

**Водийда бошланган «Мулоқот» кунлари» мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам давом этмоқда.**

■ **Ўз мухбиримиз**

# XORIJDA

## ҚАРОРГА ИМЗО ЧЕКДИ



АҚШ октябрдан бошланган молиявий йилда 70 мингга яқин қочқинни қабул қилиши мумкин. Хусусан, Африка давлатларидан 22 минг, собиқ шўролар иттифоқи ҳудудида пайдо бўлган давлатлардан эса 17 минг киши АҚШдан паноҳ топиши мумкин. Чоршанба куни Оқ уй раҳбари Жорж Буш шу тўғридаги қарорга имзо чекди.

## ҚЎПОРУВЧИЛИКДА ГУМОН ҚИЛИНАЁТИР

Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Тулкарм ва Калкиля шаҳрида Исроил ҳарбийлари беш нафар фаластинлик экстремистни қўлга олди. Улар орасидаги Иброҳим Обид Ҳусайн шу йил ёзда Тел-Авив шаҳрида содир этилган қўпорувчиликни уюштирганликда гумон қилинаётир.

## ЧЕТДА ҚОЛМАСЛИГИ ЛОЗИМ

Европанинг бетараф давлатлари террорчиликка қарши халқаро курашдан четда қолмаслиги керак. Австрия ва Швеция мудофаа вазирлари Стокгольмда ўзаро музокара ўтказар экан, шундай фикр билдирди.

## КУЙДИРГИДАН ЯНА БИР КИШИ ВАФОТ ЭТДИ



АҚШда сибир куйдиргисидан яна бир киши вафот этди. Коннектикут штатидаги фермалардан бирининг ишчиси бўлган кекса аёл қандай қилиб бу хасталикка чалингани шифокорлар учун жумбоқ бўлиб турибди. Уни ечиш учун полиция ва Федерал қидирув бюроси ходимлари мазкур ҳудудда ялпи текширув ўтказаяпти.

## МУЗОКАРАГА ТАЙЁР

Ҳиндистон ҳукумати Кашмирдаги айирмачи гуруҳлар билан музокара ўтказишга тайёрлик билдирди. Маҳаллий матбуотда ёзилишича, мамлакат ташқи ишлар вазири Лал Кришна Адвани айирмачиларни қуролли ҳаракатларни тўхтатиб, музокара даврасига ўтиришга чақирган. Хабарларга кўра, илк акс садо Кашмирдаги «Ҳизб-ул-мужоҳидин» гуруҳидан чиққан. У Деҳли билан тил топишишга уриниб кўриш истагини билдирган. Қонхўрликда ном қозонган «Лашкари Тойййиба» жангарилари ўз фаолиятини янада кучайтиришини айтган.

